

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ –
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА

SAYLOV 2024 27-OKTABR

ОВОЗ БЕРИНГ!

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

24-oktabr
2024-yil 43 (1 093)

O‘ZLIDEP


AXXRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА

САЙЛОВ – 2024



КУН ҚОЛДИ



ПАРТИЯ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ ИНСОНГА, УНИНГ ЭРКИН ҲАЁТИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАНИНИ ЭЪТИРОФ ЭТАДИ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ!

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Сизу биз туғилиб ўсган Ўзбекистон бу оламда битта, ягонадир!

Бизга бошқа жойда Ватан йўқ, она макон йўқ.

Демак, она юртни муқаддас, Ватанни тенглар ичра тенг, қудратли, эркин ва фаровон мамлакатга айлантириш бизнинг фарзандлик бурчимиз, виждоний вазифамиздир.

Келгуси авлодларимиз бизга мана шу бурчни, вазифани қандай уддалаганимизга қараб баҳо беради.

27 октябрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашлари сайловида O‘zLiDeP ва унинг номзодларини қўллаб-қувватланг!





5

Одамлар **ВА** *дарахтлар*

ҲАҚИДА АФСОНАЛАР

Гоҳида баъзи бир таниш-билишларим “Сен одамларга қараганда дарахтларни кўпроқ яхши кўрасан”, дея гинаю писандага берилишади. Ким билсин, ким билсин...

БИЗ БИРГАЛИКДА КАТТА КУЧМИЗ!

O‘zLiDeP ТОМОНИДАН САЙЛОВ АРАФАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИДА БУ ДАЪВАТ ҚАЙТА-ҚАЙТА ЯНГРАМОҚДА. ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ МАЗКУР ШИОР ЗАМИРИДА ТАРАҚҚИЁТНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛГАН МАЪНО-МАЗМУН МУЖАССАМЛИГИНИ ТОБОРА ТЕРАНРОҚ АНГЛАШЯПТИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов кунига жуда оз муддат қолди. Партияларнинг ташвиқотлари ҳам шу кунларда қизғин паллага кирди.

Хўш, **1 миллион 600 мингдан** зиёд аъзоси бўлган O‘zLiDePнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қандай кечмоқда? Электорат вакилларининг 46 фоизини аёллар, 48 фоизини ёшлар ташкил қиладиган либерал-демократлар сайловчилар ишончини қозониш учун қандай ташаббусларни илгари сурмоқда ва қандай янги усуллардан фойдаланмоқда?

Қуйида ана шу саволларга жавоб бўладиган саъй-ҳаракатларга холисона назар ташлаймиз.

Ўз ғоя ва дастурларини аҳоли орасида кенг ёйиш мақсадида O‘zLiDeP бу йилги сайловга ҳам ҳар галгидек янгича услубларда ёндашмоқда. Танланган стратегия доирасида одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уйма-уй юриб, миллионлаб фуқаролар билан мулоқот қилиш, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказиш осон иш эмас.

Шу кунгача фаоллар ва волонтёрлар гуруҳи режага мувофиқ **икки миллиондан ортиқ хонадонга** кириб-чиқишга улгуришди. Шунингдек, велосипед ва махсус овоз кучайтиргичлар (рупер) ёрдамида партиянинг асосий мақсад ва ғоялари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, O‘zLiDeP партияларо дебатларда ҳам дадил қатнашмоқда. Сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ташкилот ва идоралардаги мулоқотлари ҳам жонли тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, O‘zLiDeP бу галги сайлов кампаниясида кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда оммавий тадбирларни ҳамда асосий электорат қатлами вакиллари билан учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

Очиқ осмон остидаги очиқ мулоқотлар

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройи майдонида **“Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!”** шиори остида уштирилган оммавий тарғибот тадбири хусусида ижтимоий тармоқда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

Боиси шундаки, ёмғирли об-ҳаво бўлишига қарамай, икки мингдан зиёд сайловчилар – тадбиркору фермерлар, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимлари, маданият ва санъат тизими вакиллари партия таклифларини диққат билан эшитишди.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги “Дўстлик боғи”да ташкил этилган тарғибот тадбири ҳам сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот шаклида, юқори кайфиятда ташкил этилди.

Очиқ осмон остидаги оммавий тадбирларда таъкидланганидек, партия ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга бориб, **160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига** тўғри келадиган даромадни эса **4 минг долларга етказиш,** тадбиркорлар сонини **3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқитиш кўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камида **1 миллион фуқарога касб ўргатиш,** барча туман ва шаҳарларда мономарказларни ташкил қилиш, мактаб битирувчиларига давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизим жорий этиш каби масалалар ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

O‘zLiDeP мамлакатимиздаги ҳамма соҳаларнинг бирдек ривожланишидан манфаатдордир. Бу каби эзгу мақсадлар йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади.

Сунъий интеллект ва нанотехнологиялар

Виртуал макон ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда каттаю кичик ҳам рақамли технологиялар ва мобиль иловалардан фойдаланишни билади. Электрон қулайликлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ҳам рост.

O‘zLiDeP мутасаддиларининг Самарқанд вилоятида жойлашган “Ургут иқтисодий зонаси”да йирик компания раҳбарлари, инвесторлар билан ўтказилган учрашувда айни мавзуда сўз юритилгани электоратнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Рақамли технологияларга ихтисослашган корхоналарнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш, **“Чип саноати”, сунъий интеллект, нанотехнологиялар** каби илғор тармоқларни ривожлантириш партиянинг келгуси беш йиллиқда энг устувор вазифасига айланади. Шунингдек, саноатда таннархни камайтириш, махсус саноат зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга бериш, автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига **1 миллион донага етказиш чоралари** кўрилади. Ўзбекистонни минтақавий **“тўқимачилик ҳаби”га** айлантириш учун соҳадаги тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш учун **“мактаб – олийгоҳ – IT компанияси”дан иборат яхлит “IT таълим”** ва хизматлар занжири яратилади.

Тошкент вилоятидаги **“Astrum” IT академиясида** IT мутахассислар, маркетинг соҳаси вакиллари, ёшлар билан ўтказилган O‘zLiDePнинг сайловолди ташвиқоти Ургутдаги қизиқарли суҳбатнинг тадрижий давоми бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Сайловолди учрашувда партия ёшлар бандлиги ва ишбилармонлиги, хусусан, ишсиз ёшларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, корхоналар буюртмаси асосида касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилиш тарафдори экани қайд этилди.

Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда **“Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”нинг** ташкил этилиши ва мазкур марказлар ёшлар учун чинакам “лойиҳалар фабрикаси”га айланиши маълум қилинди.



VA'DA EMAS, NATIJA

Ertaga emas, bugun

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг “маҳаллабай” дастурлари

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” ва Наманган вилояти Давлатобод туманидаги “Кўк сарой” корхоналарида ташкил этилган сайловолди тарғиботи тадбирларида ҳам партия электоратининг асосий қатлами – тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда аграр соҳа ходимлари фаол иштирок этди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **“маҳаллабай” дастурлари**ни ишлаб чиқиш партия олдида турган энг муҳим мақсадлардан бири экани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоизга ошириб бориш, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар бериш ҳам O‘zLiDePнинг сайловолди таклифлари сирасига киради.

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратиш, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини кенгайтириш, жумладан, хусусий бандлик агентликлари тизимини ривожлантириш масалалари электорат манфаатларини ҳимоялашда зарур қадам бўлади.

Маънавий-маърифий соҳалар ҳам доимий эътиборимизда бўлади

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги “Китоблар олами” марказида ёзувчи ва шоирлар, китоб нашри ва матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар, китобхон ёшлар вакиллари билан партия номзодларининг учрашуви ҳам самимий руҳда кечди.

Учрашувда O‘zLiDeP тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий куч сифатида хусусий сектордаги **нашриётлар фаолиятини янада ривожлантириш**га алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритишни янада соддалаштириш, **1000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензиялар сонини икки баравар камайтириш,** лицензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этиш партиянинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидир. Шунингдек, **солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш,** барча тадбиркорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш каби вазифалар ҳам матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг манфаатларига хизмат қилади.

***

Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ва “Uzavtomotors” акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган учрашувларда партиянинг иқтисодий йўналишдаги мақсад ва вазифалари, Андижон давлат тиббиёт институтида эса шифокорлар ва ёш мутахассислар билан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид таклиф ва ташаббуслари ҳақида сўз юритилди.

Умуман олганда, учрашувларда партия сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар, мақсад ва ғоялар халқчил, оддий, содда тилда етказиляпти. Сайловчилар партия ғоялари ва ташаббусларига илиқ муносабат билдириб, сайловда партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашларини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти йўлидаги бу муҳим паллада, Сиз, азиз сайловчилар қабул қиладиган қарорлар келажагимизни белгилайди. O‘zLiDeP адолатли ва фаровон жамиятни қуриш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигини амалда исботлаган.

Биргаликда кучмиз! Бизни қўллаб-қувватланг ва исломотларнинг бардавомлиги учун O‘zLiDeP ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси матбуот хизмати

Пойтахтда ҳам учрашувлар қизғин ўтяпти

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Эркин Зоҳидов, Халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман кенгаши депутатлигига номзод Муяссар Юлдашеванинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида бўлиб ўтди.

Тадбирда пойтахтимизнинг Юнус Ражабий маҳалласи ҳудудида яшовчи электорат вакиллари иштирок этишди. Очиқ мулоқот давомида сўзга чиққан номзодлар партия томонидан 5 мақсад ва 500 вазифа доирасида келгуси беш йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Қизғин савол-жавобларга бой бўлган ташвиқот жараёни якунида депутатликка номзодлар барча сайловчиларни келаётган якшанба, яъни 27 октябрь куни ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни зиммасига олган O‘zLiDeP ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга чақиришди.

Халқ депутатлари Бектемир туман кенгаши депутатлигига партиямиздан кўрсатилган номзод Бахтиёр Олимов тумандаги Бектемир маҳалласида тарғибот олиб борди.





Халқ депутатлари Бектемир туман кенгаши депутатлигига номзод Динара Касимходжаева эса Ҳусайн Бойқаро маҳалласида учрашув ўтказди.

Янгича ёндашув ва самимий суҳбат тарзида уюштирилган тадбирларда O‘zLiDePнинг Сайловолди дастуридаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Бир сайловчи – бир овоз” тамойилининг аҳамияти, эркин ва қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг либерализм ғояларига таянган саъй-ҳаракатлари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Электорат вакиллари O‘zLiDeP фаолларининг тарқатма воситалар билан уйма-уй юраётгани, албатта, ўз самарасини беришини эътироф этишди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ВАЪДА ЭМАС, НАТИЖА:

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН

ЖИЗЗАХ

Жиззахда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов ҳамда партиядан Парламент ва маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодлар иштирокида қатор сайловолди тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Маъно-мазмундорлиги, савияси билан бир-биридан қолишмайдиган ушбу учрашувлар жуда самимий ва кўтаринки руҳда кечди.

Лафзи ва амали бир инсоннинг бошқалар билан мулоқотини кузатганмисиз?! Унинг айтаётган гапига ишончи, қатъияти нигоҳида кўриниб туради. Муҳим жиҳати шундаки, бундай кишиларнинг режалари ҳам барчага қизиқ. O‘zLiDeP фаоллари ва партиядан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан мулоқотини кузата туриб, беихтиёр хаёлимиздан шундай фикрлар ўтди. Чунки сиёсий майдонга 21 йил аввал кириб келган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўтган қисқа ва залворли вақт давомида амалий ишлар партияси эканини аллақачон исботлади.

Агар 2019–2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ижросига қарасак, 5 та йўналиш ва 200 дан ортиқ вазифаларнинг аксарияти тўлиқ бажарилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, унда белгиланган ғоялару ташаббуслар мингдан ортиқ президент ва ҳукумат қарорлари ҳамда 400 дан ортиқ қонунларда ўз аксини топганини кўриш мумкин.

Эътиборлиси, 41 та қонун лойиҳаси бевосита фракциямиз депутатлари томонидан, шундан 24 та қонун лойиҳаси бошқа фракциялар депутатлари билан бирга ташаббус ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қолаверса, депутатларимиз Солиқ кодексига бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган, Фуқаролик кодексига мулк ҳуқуқига доир муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир алоҳида ташаббус кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Солиқ, Божхона, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари янгича бизнес муҳитини рағбатлантирадиган нормалар билан бойиди. Маъмурий ва иқтисодий жавобгарлик масалалари енгиллаштирилди.

Сайловолди дастуридан ўрин олган Тадбиркорлик кодекси ҳукуматимиз, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Мазкур кодекснинг кучга кириши – бизнес юритиш учун қўшимча қулайликлар яратади ва ҳуқуқий кафолатни кучайтиради.

Шунингдек, Сайловолди дастуримиздаги эркин рақобатни рағбатлантирадиган “Рақобат тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунлар тубдан такомиллаштирилди.

Шу каби мисоллар жуда кўп ва бу O‘zLiDePнинг сўзи ва иши бир, амалий ҳаракатлар партияси эканини тўла исботлайди.

Партиядан парламент ва маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодларнинг хонадонбай аҳоли билан ноформал тарздаги учрашувлари бўладими ёки сайловолди ҳамда бошқа оммавий тадбирлар бўладими – барчаси ўринли таклифу мулоҳазаларга бой, очиқ ва самимий мулоқотларга айланиб кетмоқда.

Жиззах вилояти марказидаги Қассоблик маҳалласида бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувда номзодлар маҳалла еттилиги ва бу ерда истиқомат қилаётган инсонлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, аҳолининг қувончу ташвишлари, ўй-фикрлари билан танишдилар.

Мулоқотда партиянинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мақсад ва вазифалари содда, халқона тилда баён қилинди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган “Dr. Sobirov” хусусий клиникаси ва Жиззах тиббиёт коллежида бўлиб ўтган учрашувда Сайловчилар дастурдан ўрин олган “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, мамлакатга сифатсиз ва инсон ҳаёти учун хавфли дори воситалари олиб кирилишига чек қўйишга доир тиббиёт соҳасига боғлиқ мақсад ва вазифалар билан таништирилди.

Шунингдек, номзодлар маҳалладаги Ғулом Ражабов ва Ортиқ Илҳомовлар хонадонида бўлишди. Номзодларнинг партия дастуридан ўрин олган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг тизимли давом эттирилиши, айниқса, электр энергияси, табиий газ истеъмолига оид ижтимоий нормалар миқдорларини мавсумийлик, хонадон аъзоларининг ижтимоий ҳимоя реестрига киритилганлиги ҳамда оилалар сонидан келиб чиқиб, қайтадан кўриб чиқиш борасидаги ташаббуслари хонадон эгаларини бағоят тўлқинлантирди.

Маҳалла аҳли партиянинг тадбиркорликни рағбатлантириш, камбағалликни тугатиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди. Шу боис бўлажак сайловда O‘zLiDeP ва ундан кўрсатилган номзодларни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Куннинг иккинчи қисмида партия етакчиси Актам Хаитов, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари Акром Алимов, Хайрулла Абдурасулов, партия вилоят ҳудудий кенгаши раиси Эркин Холматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир мандатли сайлов округидан номзоди кўрсатилган Тошмурод Ҳамдамов ва бошқа фаоллар иштирокида “JIZZAKH CYBER ARENA”да оммавий тадбир ташкил қилинди.

“Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” шиори остидаги тадбирда O‘zLiDeP етакчиси сўз олиб, давлат раҳбарининг киберспортга, IT технологияларига эътибори ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, у ўз нутқида Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу аренанинг имкониятларига тўхталиб, партия ҳам келгуси беш йилликдаги дастурида рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан унумли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий имкониятларни ошириш, рақамли саноатни жадал ривожлантиришга оид ташаббусларни илгари сураётганини қайд этди.

Шунингдек, IT ва спортни янада оммалаштириш партиянинг доимий диққат марказида бўлиши, иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашиш, ёшларнинг маънавияти, маърифатини юксалтириш, замонавий касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш пировард мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда партия фаоллари, электорат вакиллари ва ёшлар Сайловолди дастурининг халқчил ғоялари хусусида тўхталиб ўтишди.

– Партия Сайловолди дастурида олди дастуридан ўрин олган мақсад ва вазифалари содда, халқона тилда баён қилинди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган “Dr. Sobirov” хусусий клиникаси ва Жиззах тиббиёт коллежида бўлиб ўтган учрашувда Сайловчилар дастурдан ўрин олган “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, мамлакатга сифатсиз ва инсон ҳаёти учун хавфли дори воситалари олиб кирилишига чек қўйишга доир тиббиёт соҳасига боғлиқ мақсад ва вазифалар билан таништирилди.



Шунингдек, номзодлар маҳалладаги Ғулом Ражабов ва Ортиқ Илҳомовлар хонадонида бўлишди. Номзодларнинг партия дастуридан ўрин олган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг тизимли давом эттирилиши, айниқса, электр энергияси, табиий газ истеъмолига оид ижтимоий нормалар миқдорларини мавсумийлик, хонадон аъзоларининг ижтимоий ҳимоя реестрига киритилганлиги ҳамда оилалар сонидан келиб чиқиб, қайтадан кўриб чиқиш борасидаги ташаббуслари хонадон эгаларини бағоят тўлқинлантирди.

Маҳалла аҳли партиянинг тадбиркорликни рағбатлантириш, камбағалликни тугатиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди. Шу боис бўлажак сайловда O‘zLiDeP ва ундан кўрсатилган номзодларни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Куннинг иккинчи қисмида партия етакчиси Актам Хаитов, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари Акром Алимов, Хайрулла Абдурасулов, партия вилоят ҳудудий кенгаши раиси Эркин Холматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир мандатли сайлов округидан номзоди кўрсатилган Тошмурод Ҳамдамов ва бошқа фаоллар иштирокида “JIZZAKH CYBER ARENA”да оммавий тадбир ташкил қилинди.

“Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” шиори остидаги тадбирда O‘zLiDeP етакчиси сўз олиб, давлат раҳбарининг киберспортга, IT технологияларига эътибори ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, у ўз нутқида Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу аренанинг имкониятларига тўхталиб, партия ҳам келгуси беш йилликдаги дастурида рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан унумли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий имкониятларни ошириш, рақамли саноатни жадал ривожлантиришга оид ташаббусларни илгари сураётганини қайд этди.

Шунингдек, IT ва спортни янада оммалаштириш партиянинг доимий диққат марказида бўлиши, иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашиш, ёшларнинг маънавияти, маърифатини юксалтириш, замонавий касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш пировард мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда партия фаоллари, электорат вакиллари ва ёшлар Сайловолди дастурининг халқчил ғоялари хусусида тўхталиб ўтишди.

– Партия Сайловолди дастурида фуқароларни уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бизни ғоят хурсанд қилди, – дейди тадбир иштирокчиси Шаҳло Ҳошимова ўз нутқида. – Мисол учун, бу соҳага 15 миллиард доллар йўналтириш, 1 миллион хонадонли уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратиш, уч ва ундан ортиқ фарзанди бор 35 ёшгача бўлган шахсларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратиш каби эзгу мақсад ва вазифалар халқнинг кўнглидаги ташаббус бўлганини эътироф этмасликнинг имкони йўқ. Шу боис мен ва оилам бўлажак сайловларда O‘zLiDeP ва унинг номзодларига овоз берамиз.

Санъат усталарининг чиқишлари мингдан ошиқ сайловчиларга кўтаринки кайфият бағишлаган тадбирдан сўнг, партия раҳбари “BMB HOLDING” бошқарув офиси мажлислар залида тадбиркор ва фермерлар билан учрашди.

Партия лидерининг “Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантирамиз – улар сонини 3 миллион нафардан ошириш учун барча зарур чораларни кўрамиз”, деган умидбахш сўзлари электорат вакиллари томонидан катта кўтаринкилик билан кутиб олинди.

Учрашувда Ўзбекистонни “Минтақавий тўқимачилик ҳаби”га айлантириш, қишлоқ хўжалигида 1 гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, фермер ва деҳқонларга имтиёзли кредитлар ажратиш, уларни қайтариш муддатларини мавсумийликдан келиб чиққан ҳолда белгилаш, тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувга чек қўйиш, шу мақсадда “Тадбиркорлик кодекси” қабул қилинишини тезлаштириш борасида сўз юритилди.

Учрашув давомида бир мандатли 17-сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатилган Рисқул Сиддиқов, маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодлар Холисхон Бобоева, Норқул Нушаров ва Нодира Каримовалар ҳам сўзга чиқишиб, янги сайловолди дастуридан ўрин олган 5 та мақсад ва 500 вазифанинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда сўз олган электорат вакиллари ҳам партиянинг янги Сайловолди дастури юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга замин яратажагини қайд этишиб, партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ
“XXI asr” мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Навбатдаги сайловолди тадбирлари Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтди. Қарши давлат университетида “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” шиори остида ташкил қилинган тарғибот тадбирида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, партиянинг вилоят кенгаши масъул ходимлари, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Учрашувда партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган “5 мақсад – 500 вазифа”нинг мазмун-моҳияти, қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит яратиш, ёшларнинг ўз иқтидорларини намоён этиши, билим ва ҳунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўринларини топиши учун барча шароитларни муҳайё этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш борасида сўз юритилди.

– Янгиланган Конституциямизда “Ўзбекистон ижтимоий давлат”, деб эълон қилиниши бежиз эмас, – деди O‘zLiDeP етакчиси ўз чиқишида. – Бу билан ижтимоий масъулият уч баробар ошди. Шуни инобатга олган ҳолда, кейинги беш йилда фарзандларимизнинг мактабгача таълим билан қамров даражасини юз фоизга етказиш, педагог ходимларнинг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўриш, нодавлат мактабларни кўпайтириш учун қўшимча рағбатларни жорий этиш вазифалари дастуримизда ўз аксини топган. Шунингдек, профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, 2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш кўламини 50 фоизга етказиш ҳам асосий мақсадларимиздан биридир.

Ишонаманки, сизлар Ватанимиз тақдири ва келажагига юксак дахлдорлик туйғуси билан яшаган ҳолда юртимизнинг нурли истиқболи йўлида ўтказилаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этасиз. Партиямиз Янги Ўзбекистонимиз бунёдкорлари сифатида сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр!

Тарғибот тадбирида сўз олган талабалар илмий изланишдаги иқтидорли тадқиқотчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, контракт тўловларини тўлашда табақалаштирилган имтиёзлар жорий этиш, битирувчилар бандлигини таъминлашни янада такомиллаштириш, истеъдодли ёшларни хорижий олий даргоҳларда малака оширишларига молиявий кўмаклашиш борасида таклифларни илгари сурдилар.

* * *

“*Шўртан газ кимё мажмуаси*”да ташкил этилган сайловолди тарғибот тадбири янада кўтаринки руҳда ўтди. “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида уюштирилган учрашувда партия етакчиси ва O‘zLiDeP-дан парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар вакиллари ҳамда жамиятнинг ишчи-ходимлари қатнашди.

Оммавий тадбирда сўз олган партия раҳбари Актам Хаитов Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар хусусида тўхталиб, партия кейинги беш йилда аҳоли бандлиги, фаровонлиги ва тўкис ҳаётини таъминлаш йўлида ўз олдига аниқ вазифаларни белгилаб олганини, ислоҳотлар пойдевори сифатида келгусида қўшимча 1 миллион хонадонли уй-жойлар қурилиши – асосий вазифалардан бири бўлишини таъкидлади.

Шу билан бирга, партия қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматни замонавийлаштириш, ёшларнинг билим олишлари учун барча шароит, имкониятларни яратиш борасидаги устувор вазифалар ижроси юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиққанини қайд этди.

Шунингдек, туман марказларидан ҳар бир қишлоққача 5,5 минг километр цемент-бетон йўллар қурилиши, аҳоли пунктларини жамоат транспорти билан тўлиқ қамраб олиш, қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш бўйича партия ўз зиммасига олаётган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш тарзини ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш борасида устувор вазифалар ўрин олгани таъкидланди.

– Партиямиз фойдаланилмаётган майдонларни ўзлаштириш ҳисобига 300 минг гектарда интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалигида экспортни йилига 10 миллиард долларга етказиш бўйича фермер ва деҳқонларнинг энг яқин кўмакчиси бўлади, – дея таъкидлади сиёсий куч етакчиси. – Биз фермер ва деҳқонларга ажратилган кредитларни қайтариш муддатларини мавсумийликдан келиб чиққан ҳолда белгилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини суғурталаш тизимини такомиллаштириш, хориждан серҳосил, касалликларга чидамли ўсимлик уруғлари ва кўчатлари олиб киришдаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш бўйича ташаббусни илгари сурмоқдамиз. Зеро, партиямизнинг Сайловолди дастури, аввало, инсон қадри учун ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳар бир оила ва жамият фаровонлигига эришиш, янада эркин, фаровон ва қудратли Ўзбекистонни қуришга қаратилган.

Шунингдек, учрашувда аҳоли ўртасида касалликларни кескин камайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол жорий этиш, ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш каби энг муҳим вазифалар ҳам партия Сайловолди дастуридан ўрин олгани, O‘zLiDeP келгуси беш йилда бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини камида 2 карра ошириш, яъни 6 миллиард долларга етказишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилагани, айниқса, оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасидаги ирсий касалликларни камида 2 баробарга, онкологик, юрак-қон томир, қандли диабет бўйича эрта ўлимни эса 2,5 баробарга камайтириш, хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларни камайтириш мақсадида 40 ёшдан ошган аёллар учун тегишли даврийликда тиббий кўрикдан ўтишни жорий қилиш, касаллик муддатининг ўтиб кетишига ва авж олишига йўл қўймаслик орқали кафолатланган бепул тиббий ёрдам, унинг аниқ ҳажмининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда партия фаол иш олиб бориши хусусида маълумот бериб ўтилди.

Учрашувда сўз олган сайловчилар партия ва унинг номзодларига ишонч билдирдилар.



Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

* * *

Тарғибот тадбирларидан яна бири мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлган “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтди.

Учрашувда партия Сайловолди дастурида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аграр соҳани ривожлантириш, бу борада аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш ва оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан номзодлар барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсатини жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ва самарали молиявий хизматлар бозорини шакллантириш, инфратузилма ва туризмни ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишдаги вазифалар бўйича ҳам маълумот бериб ўтишди.

Сайловчилар O‘zLiDePнинг мақсад ва ғояларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда партия ва унинг номзодларига овоз беришларини қайд этишди.

* * *

Бугун пойтахтимизда O‘zLiDePнинг сайловолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

САЙЛОВ-2024

МАМЛАКАТДА **ТАДБИРКОРЛИК**НИ РИВОЖЛАНТИРИШ НИМА УЧУН БУ ҚАДАР МУҲИМ?

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш мақсадида қатор ислоҳотлар босқичма-босқич амалга татбиқ этиб келинмоқда.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241^{10}-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-979-сонли қонунлари ва бошқа кўплаб қонун ҳамда қонуности ҳужжатларнинг жорий қилинишида *Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг хизмати беқиёс.*

Партия ташаббуси билан тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилмаган ўзга ҳужжатларни, шу жумладан, банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олганлик ёки бўлмаса мазкур ягона рўйхатга киритилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилди. Сиёсий куч фаолияти мобайнида кредит маблағларининг сабабсиз кечиктирилиши, субъектларга ажратиладиган жой, бино масаласи, маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишчи кучи, экспорт муаммолари ва бошқа шу каби кўплаб масалаларда тадбиркорга яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Яна бир неча кундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, шаҳар (туман) кенгашларига ўтказилади.

O‘zLiDeP номзодлари партиянинг Сайловолди дастурини тарғиб қилиш борасида сайловчилар билан жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа сайловолди тадбирлари ташкил этиб, партиянинг мақсад-вазифаларини кенг аҳоли қатламига етказишмоқда. Юртимиз аҳлининг бахтли яшаши, халқимиз дастурхони тўкин, эртанги кунимиз ёруғ бўлиши учун партиямиз ўз сайловолди дастурига 5 аниқ мақсад ва 500 вазифа қўйди.

Маълумки, давлатнинг ривожи, унинг тараққиёти ва юксалиши аҳолининг нақадар тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятига жалб қилинганига боғлиқ бўлади. Партия бу соҳада Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантириш, жумладан, улар сонини 3 миллион нафарга етказишни мақсад қилган. Шу билан бирга, соҳа вакилларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, инвестиция киритиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу каби бошқа бир қатор масалаларни давр талаби даражасига олиб чиқишга ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида қарамоқда. Бир сўз билан айтганда, сиёсий куч Ўзбекистоннинг дунёнинг ўртачадан юқори бўлган давлатлари қаторига кўтарилишини астойдил истаяпти ва ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун курашмоқда. Бу каби улкан ишларнинг самарадорлиги натижасида аҳолининг турмуш даражаси ошиб, камбағаллик кўлами икки карра камаяди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, нега мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш масаласига бу қадар муҳим масала сифатида қаралмоқда?

Гап шундаки, 7 миллиард 600 миллион кишилик дунё аҳолисининг 600 миллион нафардан ортиғини тадбиркорлар ташкил этиши аниқланган. Бу шуни англатадики, ер юзидаги ҳар 13 нафар кишининг бири тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Бу эса ўша 13 нафар инсоннинг камида 10 нафарини шу бир нафар инсон иш билан таъминлаб, маош беришига ишора қилади. Бироқ тадбиркорлик бу – шунчаки бизнес қуриб, шахсий бойликни кўпайтириш дегани ҳам эмас. Унинг мамлакат, қолаверса, дунё иқтисодиётига катта таъсири мавжуд. Жумладан, унинг моҳиятини қисқача қилиб қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

Биринчидан, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларни яратади. Бу эса одамлар ва жамоаларнинг турмуш даражасини оширади. Қолаверса, арзон, фойдаланиш учун хавфсиз, инсонлар ҳаётига қўшимча қиймат қўшадиган маҳсулот ва хизматларни таклиф этади. Шунингдек, тадбиркорлик зарур товар ва хизматлар танқислигини бартараф этади.

Иккинчидан, тадбиркорлик мамлакат учун ҳам, тадбиркор учун ҳам иқтисодий мустақиллик томон йўл бўлиши мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Бу жуда оддий. Тадбиркорлик ривожланган сари мамлакатнинг импорт қилинадиган товарлар ва хизматларга қарамлиги камаяди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ташқи бозорларга ҳам экспорт қилинади. Бу эса ўз-ўзини таъминлаш, валюта оқими ва иқтисодий мустақилликка олиб боради. Тадбиркорлар ўзларининг молиявий келажагини назорат қилиш орқали, иқтисодий мустақиллик ва молиявий хавфсизликка эришади.

Учинчидан, тадбиркор ўз бизнесини ривожлантириш учун бозор эҳтиёжини аниқлайди. Шунга кўра, ўз маҳсулоти ва хизматини таклиф этади. Бу эса динамик жиҳатдан ранг-баранг бизнес ландшафтини шакллантиради. Тадбиркорлик ривожланган мамлакатда инновация, эркин рақобат муҳити, иқтисодий ўсиш кузатилади.


Тўртинчидан, янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва мижозларнинг талабларини қондириш янги иш имкониятларини келтириб чиқаради. Яъни ишлаб чиқариш ва қурилишдан тортиб, хизмат кўрсатиш ва технология соҳаларигача бўлган кенг доирадаги янги иш ўринларини яратади.

Бешинчидан, тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатга кўпроқ инвестициялар жалб қилинишига туртки бўлади. Шунингдек, янги корхоналарнинг ташкил этилиши ёки мавжуд фирмаларнинг ўсиши ҳам капитал шакланишини рағбатлантиради. Бу эса кенг сармоявий имкониятлар эшигини очади ҳамда хилма-хил ва динамик иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

Олтинчидан, тадбиркорлик орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш эвазига фуқароларни камбағалликдан чиқариш мумкин. Бу ўз навбатида маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшиб, аҳолининг умумий турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Ялпи миллий маҳсулот ва аҳоли жон бошига даромад кескин ошади.

Еттинчидан, тадбиркорлик инсоният тарихида мавжуд бўлмаган ихтироларга сабабчи бўлади. Уларнинг кашфиётлари янги бозорларга тамал (Билл Гейтс (Microsoft), Ларри Эллисон (Oracle), Стив Жобс (Apple) вазифасини ўтайди.

Демак, ўз-ўзидан англашиладики, дунё иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорликнинг роли беқиёс экан. Ишонамизки, O‘zLiDePнинг барча жабҳалар қатори Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорликка кенг имконият яратишга қаратилган хайрли ташаббуси сайловчилар томонидан муносиб баҳоланади. Зеро, мақсадимиз ваъда эмас, натижадир. Бажарадиган ишларимиз эса эртанинг ислоҳоти эмас, бугуннинг талабидир.



Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
O‘zLiDeP Миробод туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари Миробод туман кенгаши депутатлигига номзод, педагогика фанлари доктори, доцент

ФАРМОН ВА ИЖРО

Фуқаролик жамияти демократик сиёсий тизим шаклланишининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бундай институт аҳоли ижтимоий фаоллигининг давлат органлари фаолиятига боғлиқ бўлмаган турли шаклларини ўз ичига олади ҳамда жамият тузилишининг ҳақиқий ҳолати ёки даражасини намоён этади. Фуқаролик жамияти тушунчаси ифодалайдиган ижтимоий алоқалар мажмуи у ёки бу мамлакат халқига хос бўлган муносабатларнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, ижтимоий соҳада давлат ва жамият функцияларини фарқлайдиган асосий мезон ҳисобланади.

РАҒБАТ ВА ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” қабул қилинган. Ушбу ҳужжатда ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фуқаролик жамиятининг долзарб ижтимоий институтларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ва конструктив мулоқот механизмларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда мазкур институтларнинг фаоллигини ошириш, ННТларнинг фаолият доирасини кенгайтириш, улар фаолиятида аҳоли кенг қатламлари иштирокини кучайтириш кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига киради.

Юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётгани уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу борада эса давлатимиз раҳбарининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туб бурилиш бўлди.

Мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, шунингдек, мавжуд ННТларга етказиш билан биргаликда ушбу ташкилотлар фаолиятидаги самарадорлик оширилишига катта аҳамият берилмоқда. Ҳужжатда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланди, фуқаролик жамияти институтларининг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар ҳамда зарур ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, ижтимоий лойиҳаларнинг манзиллилиги таъминланади, бюрократияга чек қўйилади.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа ишга туширилди.

Ушбу фармонга кўра, ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги механизмлар жорий этилмоқда:



– ҳар йили давлат органлари ижтимоий буюртма танловлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказади;

– давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БҲМнинг 1000 бараваригача танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилади;

– ҳар йили ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш бўйича дастур қабул қилади.

Ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни оммалаштириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига қуйидаги имтиёзлар берилмоқда:

– давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳалари доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтирилмоқда;

– 2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи 2 бараварга камайтирилмоқда.

Шунингдек, ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” ўтказиб борилади, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ташаббускор инсонлар “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқади ҳамда ушбу жараёнлар шаффофлигининг юқори стандартларини белгилайди.

Виктория АЛЕКСЕЕВА,
“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари

ЭЪЛОН

“Таллимаржон иссиқлик электр станцияси”

акциядорлик жамияти

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида жойлашган баландлиги 85 метрга тенг метрологик устун (мачта)ни сотувга қўяди. Ушбу қурилма шамол тезлиги, йўналиши, ҳавонинг зичлиги ва ҳароратини аниқлашга ёрдам берувчи асбоб-ускуналари билан бирга сотилади.

Мурожаат учун телефон: (75) 512-57-10.

ЭССЕ

Одамлар ВА дарахтлар ҲАҚИДА АФСОНАЛАР



Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Юнонлар “Дўсти йўқ одамни ўлдиринг”, дейишган. Сурхондарёлик Қурбон Жўраназаров ва қорақалпоқ Серсенбай Атабаев дунёдан ўтганидан кейин атиги уч дўстим қолди: Бобик аталмиш итим, велосипедим ва бир неча йилдан бери бошимдан тушмайдиган жигарранг қалпоғим. Мен учаласига ўрганиб қолганман. Боққа отлансам бас! Бобик эшикни ёпиб қўйсам-да, темир дарвоза остидан бир амаллаб ўтиб, ортимдан эргашади. Уни қанча уришсам ҳам, инсофга чақирсам ҳам, барибир билганидан қолмайди. Қип-қизил тилини осилтириб велосипед ёнида чопиб кетаверади. Лоток ариқда чўмилиш доимий одатига айланган. Обдан шалоплатиб сув сачратиб, ташқарига чиқиб ҳам тўрт-беш марта силкинади. Кейин мен билан боғдаги заранг издан чопганча ичкарига кириб кетади...

Велосипедим анча қариб, эскириб, ана букиламан, мана букиламан деб турибди. Бироқ мен уни на бировга ҳадя қиламан, на темир-терсак йиғувчиларга пуллаб юбораман. Бундай қилишга кўзим қиймайди. Ҳар гал даладан қайтгач, уни ювишга чоғланаман. Бироқ бу юмушни уялмай-нетмай эртанга қолдираман. Эртаси куни эса яна шу дангасалик панд беради. Боғдан толиқиб келаман. Ҳориб келаман. Кўзларим ана юмилиб кетаман, мана юмилиб кетаман, дея ўзларини менга эслатиб туради.

Қалпоғим ҳақида мароқ билан гапиргим келади. Увадаси чиқиб кетмаган бўлса-да, кўп йиллардан бери кийилавериб тузуккина оҳори тўкилган. Гоҳида икки буклаб бошим тагига қўяман-да, пинакка кетаман. Гоҳо ариқдан сув олиб, бошимга қуяман. Баъзан эса елпиғич ўрнида фойдаланаман. Бундан беш-олти йил олдин бу қурғурнинг қанақа тусда бўлгани ёдимдан ҳам кўтарилиб кетган.

Биз бир муштмиз, бир тўдамиз. Дабдабасиз орзу-хаёллар ҳар биримизнинг қўлларимиздан маҳкам тутиб олган. Мен уларсиз ўзимни кўнгли хотиржам одам ҳисобламайман. Уларга суяниб қолганман. Уларни суюб қолганман.

Чанг босган ғилдиракларию занжирларни, кирланган темирларни кўриб Абдужаббор ўғлим: “Бу сизга бўлмайди, кейинги гал янгисини келтираман”, дейди. Мен кескин оҳангда қадрдон дўстимдан айирмаслигини айтиб қаттиқ туриб оламан. Рост-да, эски велосипедимда юрганимни ёмон кўришса кўришар. Одамларнинг гаплари, танбеҳлари билан ҳисоблашмай қўйганимга анча бўлди ва бу қарорим тўғрилигига қайта-қайта иқрор бўлганман.

Бобик, велосипед ва мени боғда минг тупга яқин мевали дарахт кутади. Олмаю олхўрилар, ўриг-у ёнғоқлар... Кулсангиз ҳам барибир айтаман: улар ҳам менинг қадрдонларим.

Бир куни мана бундай бўлди. Эрталаб боққа боргач, икки туп олмаю уч туп калифорния дарахтини ўпиб-ўпиб қўйдим. Арслон жўрам Наби укахонимга қараб шаҳодат бармоғини бошига нуқиб уч-тўрт айлантирди. Бунга бир гап бўлди, рисоладаги одам боласи дарахтларни қучоқлаб ўпадими, деган бўлса керак. Мен ўзимча ана шундай таржима қилдим. Наби эса кулиб-кулиб: “Ҳожи ака ҳар тонг боққа келганда ана шундай қилади. Тарки одат, амри маҳол”, деди.

Мевалию мевасиз дарахтларни қучоқлаб ўпмасам бўлмайди, бирodарлар! Уларнинг ҳамма-ҳаммасига кўнглим бор. Уларнинг ҳаммаси менинг кўнглимда яшайди. Мен дарахтлар ҳақидаги ҳамма гапларимни бир бошидан айтиб беролмасам керак. Улар кимларгадир жонсиз, тилсиз туюлиши мумкин. Бироқ мен улар билан бемалол гаплашаман. Уларни мақтайман, силлиқ, ғадир-будир таналарини силаб-силаб қўяман. Кафтларимдан уларнинг таналарига тафт ўтаётганини билиб, сезиб, илғаб тураман. Калифорния аталмиш дарахт бор. Боғимда минглаб. Мен худди тилла ёмбисини йўқотган савдогар каби ана шу дарахтзорда тентираб юраман. Уларни юриб томоша қиламан. Тўхтаб томоша қиламан. Ариқ уватига ёнбошлаб кузатаман. Қуёш чиқаётганда, қуёш ботаётганда уларни ҳузур билан томоша қиламан. Гоҳида ўнлаб, юзлаб тераклар ичида биттаси титрагандек, силкингандек бўлади. Бошқалар буни кўрмаслиги, кўрса ҳам сир-синоатини тушунмаслиги мумкин. Мен дарров силкинган дарахтнинг олдига бориб: “Сенга нима бўлди, фаришtам”, дея астагина сўрайман. Ана шунда кўзим дарахт танасидаги қурт кавлаган ковакчаларга тушади. Улардан намлик сизиб чиқаётган бўлади. Дарахт йиғлаётган бўлади, биродарлар! Мен бунга асло чидаб туролмайман. Қурту ҳашаротларга қирон келтирадиган дори пуркагични елкамга осиб, ишга киришиб кетаман.

Ҳафта, ўн кун ўтгач, дарахтлар соғайиб, ялтираб кетади. Шохларию барглари чапак чалиб юборади. У қайта туғилади. Қуёшга талпиниб яшашда давом этади. Шуни кўриб туришнинг ўзи адоғи йўқ гаштдир.

Гоҳида баъзи бир таниш-билишларим “Сен одамларга қараганда дарахтларни кўпроқ яхши кўрасан”, дея гинаю писандага берилишади. Ким билсин, ким билсин...

...Зубайда янгамизни эри севмай қўйди. Бунга имони комил бўлган янгам икки қизию ўғлини олиб, касалманд ота ҳовлисига кетди. “Сизга қарашгани келдим, бироз сиз билан яшаб оғирингизга елка тутгани келдим, отажон”, деди у. Қўни-қўшнилар чиқарган бир коса, ярим коса овқат билан тирикчилик қилаётган чол қувонди. Зубайданинг ўғил-қизлари Совотнинг мактабига қатнай бошлади. Бир йил ўтгач, ота шубҳага бориб, қизини ортга қайтармоқчи бўлди. Орадан бир ой ўтгач эса, омонатини топширди.

...Кунлар ҳафталарнинг, ҳафталар ойларнинг, ойлар эса йилларнинг этагидан тутиб ўтаверди. Тўққизинчи йилга бориб Зубайда янгамиз эри ёлғиз қолганини, давосиз дард бўғзидан маҳкам қисганини эшитиб аросатда қолди. Қозонга қайнатма шўрва осди. Хамир қориб, юпқа пиширди. Одамларга гапсўз бўлишидан чўчиб, шўрваю юпқани эшакка ташланган хуржуннинг бир кўзига солди. Иккинчи кўзига эса олмаю нок тўлдирди. Тайёр автобус қатнаб турган бўлса-да, йўлини адирдаги сўқмоқларга қараб бурди.

Ҳофиз ҳисобчи ўзи ҳайдаган аёлни кўриб, қотиб қолди. Кейин йиғлади. Қорайиб кетган рўмолча билан оғзию бурнини артди.

Бир кун оралатиб Зубайда янгамиз яна келди. Ош дамлаб келди. Иккинчи келишида эрининг бўйнию қўлтиқларини, бошию оёқларини обдан ювди. Эри яна йиғлади. Зубайда янгамиз қордай оппоқ сочиқ билан унинг юз-кўзларини артиб-артиб қўйди.

Зубайда янгамиз мардликда ягона эди. У танҳо эди. Бир оғиз ҳам собиқ эрига ўғил-қизларини кўргани бормаганини, ҳолидан хабар олмаганини эслатмади.

Шу аёл таънани биладими? Шу аёл ёзғириш нелигини илғайдими? Ҳофиз поччамизнинг куни калта экан. Олти ойда омонатини топширди. Беш-олти оғайниси билан Зубайда янгамнинг ўғли тонгда Тошкентдан “Отажоним, отам...” дея бўзлаб келди. Икки қиз сочларини андак ёзиб одамнинг юрак-бағрини эзадиган бўлиб йиғлаб келди. Янгамиз эса Ҳофизнинг тўрт неварасини етаклаб келди.

Ўлик бир ён, маърака бир ён. Зубайданинг ўзию фарзандларининг келиши бир ён бўлди. Ҳофиз поччамизни қабрга ўғли қўйди. Номига ор талашганлар, орият талашганлар оғиз очолмай қолди.

...Бу воқеаларга адашмасам, йигирма йиллар бўлди. Учтургоннинг қабристонида сомон сувоқ қилинган бир қабр бор, бу қабрга Зубайда янгамизу ўғил-қизлари ҳафта-ўн кунда бир келиб-кетишади. Учтургоннинг мана шу қабристони кўклам чоғлари минглаб, миллионлаб лолаю қизғалдоқлардан лов-лов ёнади. Зубайда янгамиз ҳар ёзу ҳар кузакда рўмолини тўлдириб, қабристон саҳнига қизғалдоқ уруғларини сепади. Шувоқ уруғларини сепади. Учтургоннинг қабристонида бегона ўтларга қараганда қизғалдоғ-у шувоқлар кўп.

Малика исмли бир енгилтак аёл Зубайда янгамиздан: “Сизни олдига солиб қувлаган, ўзга бир аёлнинг қучоғини афзал кўрган эрга бунчалик куйиб, ёнмасангиз?” дея сўрабди. Зубайда янгамиз жавоб бермабди. Гапирмабди. Сукутни афзал билибди. Кимдир гапирса бўларди, Малика қўшмачини узиб-узиб олса бўларди, қилмишларини элга овоза қилса бўларди, дейишлари мумкин. Янгамизни нега гапирмаганини мана мен биламан. Чунки янгамиз жим яшайдиган, жим ўйлайдиган дарахтга ўхшайди. Дарахтлар сукутида улкан фалсафалар бор.

...Абдуқаюм исмли бир йигит Боёвут туманининг “Тез ёрдам” машинасида оддий бир ходим бўлиб ишларди. Қаерга бормасин, албатта, мевали ёки манзарали дарахт новдаларини суқиб кетарди. Гап эшитарди, баъзан сўкиш эшитарди. Аммо шу қилиғини, шу қилмишини ташламади. Алишер Навоий маҳалласида терак деганлари ачиб ётибди. Терак деганлари бижиб ётибди. Терак энг кўп манзил қаер десалар, мен аълочи ўқувчидек қўл кўтариб: “Абдуқаюм яшаган жойда”, дея жавоб бераман.

– Очиғини айтайми, – деди бир куни Абдуқаюм менга. – Дарахтлар одамларга қараганда анча яхши бўлади. Тик ўсади, лаганбардорларга ўхшаб эгилмайди. Тўғрилигидан қанчадан-қанча иморатларга устун бўлади...

...Бобикка мен қойил эмасман. Бобик жонининг қадрини унча билмайди. Беш чақиримли йўл унга ҳеч гап эмас. Қизил тилларини чиқариб ортимдан эргашган. Бетон ариқда чўмилиб чарчамайди. Кейин мен билан боққа кириб тустовуқ ҳуркитади, олаҳаккаларни қувади. Қуёнларнинг юрагига қўрқув солади. Боғ баъзан тин олади, баъзан гувуллайди. Ботаётган қуёш билан хайр-хўшлашиш мен учун жуда оғир. Ҳадемай зовурлардан, қамишзорлардан тулкию чиябўрилар чиқиб келиб, “ув-ув”лашни бошлаб юборади.

...Тун қандай ўтганини баъзан билиб, баъзан эса билмай қоламан. Кўзларимда Зуҳро юлдуз акси жилоланганда қувониб-қувониб кетаман. Ҳозир боққа кетаман. Анчагина чанг босган, анчагина уринган велосипед ва унга илинган қалпоғим мени интизорлик билан кутиб турибди.

Абдуқаюм айтганидек, баъзи одамлардан анча яхшироқ бўлган дарахтлар мени кутиб турибди. Мен ортимга қарамайман. Зовур устидаги чанг йўлдан борарканман, чап томонимда Бобик, ўнг томонимда эса бобо Қуёш мен билан буюк адиб Шукур Холмирзаев номидаги боққа елиб-югуриб боради!..



ТАРҒИБОТ

ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР ХАЛҚҚА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

51-Паркент сайлов округидан Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлигига номзоди қўйилган Ғафуржон Муҳамедовнинг навбатдаги сайловолди тарғибот учрашуви Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларда O‘zLiDePнинг ҳам ислоҳотчилик роли борлигини таъкидлашди. Айниқса ўз фаолиятининг илк босқичида, энг аввало, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини кўзлаб сиёсий саҳнага чиққан партия бугунги кунда юртимизда ҳар бир жабҳани ривожлантириш, ислоҳ этишда ўз ҳиссасини қўшаётганини эътироф этишди.

Шу маънода 27 октябрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларига сайловда ҳам O‘zLiDeP ўзининг мутлақо янгича стратегияси ва халқчил Сайловолди дастури, муносиб салоҳиятли номзодлари билан иштирок этаётир ва бу ўтказилаётган тарғибот учрашувларида ҳам аён бўлмоқда.

Сайловчилар билан мулоқотда депутатликка номзоднинг ишончли вакили Чирчиқ давлат педагогика университети кафедра мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Азлархон Тиллабоев Ғ. Муҳамедовнинг ибратли ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти билан атрофлича таништирди.

Салоҳиятли таълим соҳаси фидойисининг Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ривожида тутган ўрни беқиёс эканига урғу берди.

O‘zLiDePдан кўрсатилган номзод Ғафуржон Муҳамедов сайловчилар билан кечган юзма-юз мулоқот давомида сиёсий куч бугун ўзининг истиқболли ғоя ва мақсадлари билан аҳоли фаровонлигини оширишга бел боғлаганини таъкидлади. Номзоднинг изоҳ беришича, янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деб эълон қилинди, унинг ижтимоий мажбуриятлари **уч баробарга** кўпайди. Шу боис ҳам сиёсий платформаси “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига ҳамоҳанг бўлган партия Сайловолди дастурида баён қилинган жами **500 вазифанинг 167 таси,** яъни учдан бир қисми айнан ижтимоий масалаларга оид эканлиги ҳам бежиз эмас.

– Бунда жамиятни маърифий юксалтиришга интилиш – устувор мақсадимиз бўлиб қолаверади. Малакали тиббиётни таъминлаймиз. Фуқароларни мақбул уй-жой билан таъминлашга эришамиз. Инсон қадри, ижтимоий ҳимояси устувор мақсадимиз бўлади. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Хотин-қизларимиз ва ёши улуғ инсонларимиз ҳаётидан рози яшашлари учун барча шароитларни яратамиз. Таълим сифатини оширишга қаратилган эзгу мақсадларимиз, буюк режаларимиз, албатта, сиз билан ҳамкорликда, ҳамнафасликда амалга ошишига ишонаман.

Жадидлар раҳнамоларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий “Замона илму фанидан бебаҳра миллат ўзгаларга поймол бўлур”, деганида ниҳоятда ҳақ гапни айтган. Қачонки ёшларимиз замонавий илм-фанларни чуқур ўрганса ва буни ўз ҳаётий фаолиятларида қўллай олсалар, энг катта ютуғимиз шундадир! – деди депутатликка номзод.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ғоят ўринли таъкидлаганидек, “Барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан



интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қаратишимиз, халқимиз кутаётган, даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим”.

Тадбирда иштирок этган сайловчилар ҳам ўз фикр ва таклифларини билдиришаркан, O‘zLiDePнинг Сайловолди дастури бошқа сиёсий кучларникидан ҳаётийлиги, мукаммаллиги, энг муҳими, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган мақсад ва вазифаларнинг аниқлиги билан ажралиб туришини таъкидлашди.

Тарғибот тадбирида Ғ. Муҳамедов дастурга ҳамоҳанг тарзда Тошкент вилоятида **“университет – мактабгача таълим – мактаб” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш** орқали таълим сифатини яхшилаш, **“Ёш олимлар лигаси”, “Янги авлод кадрлари”** лойиҳалари орқали ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал капиталга интилишини қўллаб-қувватлаш, Паркент туманида таълим ресурсларини мустаҳкамлаш ҳамда таълим муассасаларида **“Педагогик таълимда инновацион кластер”**нинг замонавий тармоқларини ривожлантириш сингари эзгу мақсад ва режаларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилажагини ҳам айтиб ўтди.

Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ТИЛ ЭРКИ – ЭЛ ЭРКИ

ГУЛЗОРДАГИ АЛАФЛАР

РАҲМАТЛИ АҲМАД АЪЗАМ ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА НАФАҚАТ ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ, ҲАҚИҚАТГЎЙ ЖУРНАЛИСТ СИФАТИДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ МАҲОРАТЛИ МУНАҚҚИД СИФАТИДА ҲАМ ШУҲРАТ ҚОЗОНГАН ЭДИ. АЙНИҚСА, УНИНГ ОНА ТИЛИМИЗГА БУНДАН 35 ЙИЛ АВВАЛ ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛИШИ ЙЎЛИДА КЎРСАТГАН МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТИ ҲАМОН ЁДИМИЗДА. ШУНИНГДЕК, ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАДОРЛИГИ, СОФЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ҚОЛАВЕРСА, ЎЗБЕК ТИЛИ ҚОНУНИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ОИД ҚАТОР ТУРКУМ ЧИҚИШЛАРИ КЎПЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТГАН ЭДИ. УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ЖАМЛАНИБ, “АКАДЕМНАШР” ТОМОНИДАН 2013 ЙИЛДА “ТИЛ НОМУСИ” ДЕБ НОМЛАНГАН КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЭДИ.

КЕЧАГИНА МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ШУ АЙЁМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ. АЛБАТТА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ОНА ТИЛИМИЗ ТАҚДИРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ КЕСКИН ЎЗГАРДИ, БУ БОРАДА ЖУДА КЕНГ МИҚЁСДА ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ЛЕКИН ШУНДАЙ БЎЛСА-ДА, БАЪЗАН ТИЛИМИЗГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР МАСАЛАСИДА ҲАЛИ ҲАМ АЙРИМ НУҚСОНЛАР УЧРАБ ТУРИБДИКИ, УЛАРДАН КЎЗ ЮМОЛМАЙМИЗ.

КУЮНЧАК АДИБИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛАЁТГАН УШБУ МАҚОЛАСИДА ХУДДИ ШУНДАЙ ХАТОЛИКЛАР, ҚУСУРЛАР ҲАҚИДА СЎЗ БОРАДИ. ГАРЧИ БУ ХОЛИС КУЗАТУВЛАР БУНДАН 11 ЙИЛ БУРУН ЁЗИЛГАН БЎЛСА-ДА, БУГУН ҲАМ ЎЗ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН.



Аҳмад Аъзам

Юксак минбарлардан ҳам айтиляпти, матбуотнинг ўзида гапириляпти, бонг ураётганлар чиқяпти, аммо ўз – ўзбек тилимизнинг бугуни ва эртаси борасидаги бу ташвишу даъватлар ўзимизнинг лоқайдлигимиз ботқоғига чўкиб кетаётир. Дод деб юборинг келади – қоғозга додлайсан одам! Қоғознинг эса фақат қулоғи бор, оғзи йўқ – садо бермайди! Ахир, ҳамдардга додлайсан-да, одам!

Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару қўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳаммаёқни чет атамалару чаласавод ёрлиқ, реклама матнларига тўлдираётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни “бадиий асар” деб чиқараётган, эфирда қанақадир яроқсиз “ўзбекча” вағиллаб турганлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил – бу тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни бузиш эмас, қўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини уқтириш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапираётганим каби.

Албатта, шевада гапирсинлар, тўйиб гаплашсинлар. Зеро, шевалар тилнинг илдизлари, тўғрироғи, булоқлари; улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Лекин, афсуски, шеваларни ҳам ОАВнинг сунъий тили тангликка солиб қўйган, глобаллашувни рўкач қилиб, унинг панасида ёт атама, ёт ибора, бузуқ бирикмалар уларга ҳам бостириб кираётир. Ҳаётнинг равиши – кексалар ўтиб кетади, катталар кексаяди, изимиздан келаётган ёш авлод “глобаллашиб”, ўз шевасини майиб-майриқ қилиб гаплашади – бу булоқларнинг ҳам қуриб бошлаганини шундан ҳам билса бўлади.

Гап жамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида кетаётир! Миллатнинг таркиб топиш омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаётган тилимиз ҳақида. ОАВ минбарига чиққан, кўпчиликка юзланган одам, агар ўзини ҳурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапирсин! Минбарга етган одамнинг елкасида умуммиллат юки бўлиши зарур! Мактабдан олий ўқув юртларигача, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида бўлиши лозим ва шарт! Давлатимизга мадҳу сано ўқиманг, унинг тилига амал қилинг. Ахир, кеча уни ҳимоя қилиб кўчага чиққан ўзимиз эмасми! Ҳамма дарслар адабий тилда ўтиладиган, устозлар ўқувчилар шевасини адабий тилга буриб, уни ўргатадиган чиройли қонун мажбуриятлари қаерда қолди? Энди буни қилиб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Йўқ, бўлади!

Мен Эски шаҳарнинг қоқ марказида тураман, шу маҳалладаги мактабда мучал тадбири бўляпти экан. Таклиф қилдилар, бордим. Икки соатча ўтириб, ўқитувчиларнинг гапларини, болаларнинг сўзга чиқишлари, шеър ўқишлари ва қўйган саҳналарини томоша қилдим. Болаларнинг ҳаммаси шу атрофдан, асосан туб тошкентлик оилалардан, ўқитувчилар ҳам шундай. Лекин бир оғиз ҳам шева эшитмадим. Ҳайрону хурсанд бўлиб ёнимда ўтирган ўқитувчига: “Қандай яхши, болалар мактабда адабий тилга риоя қилар экан”, десам, ўқитувчи сапчиб тушди: “Вой, нима деяпсиз, мумкин эмас! Дарсларни адабий тилда ўтамиз, ҳовлида ҳам болаларнинг адабий тилни бузиб гапиришига йўл қўймаймиз. Ахир, бу давлат тилимиз-ку!” деди.

Бўлар экан-ку! Қойил бўлдим, лекин қани эди ҳамма мактабда шундай бўлса! Афсус!

Асли муаммонинг туби чуқурроқ, масала тилнинг сут билан қачондан кириши, боланинг она тилини қаердан ўрганиб бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешикда, икки кўзи телевизорда – алла айтиш фақат кўрик-танловларда қолди. Оналар рўзғордан бўшамай ҳам телевизорга қадалиб олади. Бола бир нарса сўраса, бошимни қотирма, бор кўчага, ўйна ё дарсингни қил, деб ҳайдайди. Эркаклар иш билан, боласи билан гаплашиб ўтиришдан ўзини олиб қочади. У ҳам хотинига қўшилиб сериал кўради. Эртак айтиб берадиган бувилар ўзи азалдан сийрак, экранга кўзи ўтгани… бунда ҳам ўша аҳвол. Булар ҳам ўтиб кетяпти. Дастурхон устидаги гурунглар йўқ бўлиб кетди. Бола қаердан тил машқини олади – у ҳам ноилож, телевизорга тикилади, сал эси киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуйилаверади, жумладан бузуқ тил ҳам.

Албатта, ота-она болаларига эга-кесим ундоқ бўлади, тил қоидалари бундоқ бўлади деб ўргатиб ўтирмайди. Аксинча, боланинг тили табиий муҳитда: ўзаро мулоқот, сўзлашув, ўйинлар, ҳангомаларда камол топади. Ва мактабда бу тарбияни олади. Тўғрироғи, олиши лозим. Мактабларда эса тил ўқитилиши ўқувчи болалар учун оғирлик қиладиган, зерикарли қоида-ю боғланишлар изоҳига ўтиб қолган. Азалдан бери шундай. Мактаблар жонли мулоқот тилини ўргатмайди, эгаю кесим, гап бўлакларини кўрсатиб беради, холос, бинобарин, тирик тилга муҳаббат ҳам уйғотмайди.

Фикр шаклланиши, тилни билишнинг яна бир муҳим омили – китоб, бадиий асар. Ҳозир ўқувчиларнинг аксарияти китоб ўқимайди, бадиий асарларни варақлаб кўрмайди. Устига устак, дарслик – хрестоматиялар ҳам камбағал, улар ном санаш билан, ўтмишдаги катта адибларимизнинг ҳозирги ёшларнинг дунёқараши, қизиқиши, дунёбинлиги, кўнгил кечинмаларидан йироқ асарлари билан тўла. Ёшлар ўқийдиган нарса кам. Мана, бугунги кунга келиб шу мактаблар эккан арпа ҳосилини ўряпмиз-да, ёшларимизнинг тили бунча камбағал, бунча сунъий деб, нимага булар беодоб бўлиб кетяпти, деб ёзғирамиз. Қўшиқ айтяпман деб алмойи-алжойи шанғиллаб ётганлар, уларга шайдойи қарсак уриб, ўйинга тушаётганлар нафақат тил масъулияти, тил номуси нималигини, балки унинг ўзи нималигини ҳам билмайдилар. Ғулийликни ўзи ихтиёр қилиб танлаган ва шу билан фахрланадиган манқурт тоифа! Бу ўзимиз етиштираётган авлод.

Миллат руҳининг ифодаси бўлмиш адабий тилни бузмай, бўлакламай ривожлантириш керак. Зеро, у давлатчилигимиз асоси ҳамдир. Тўқсон икки бовли ўзбекни бирлаштирган! Энди бу ўзбекнинг ҳар элати мактабдан бошлаб ўз шевасида гапириб, ўқиб-ёзадиган бўлса, кейин адабий тилни ҳар ёққа тортқиласа, тасаввур қиласиз-ку қаёққа ўтиб кетишимизни! Ўзи-ку шўро яхлит яшаб келаётган туркий миллатни сен алоҳида, сен алоҳида, мана, сенга битта республика, камроғингга, мана, мухторият деб улусларга бўлиб, орага қутқу уруғини қадаб қўйган эди. Туркистон туркийлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб олди, майли, бу миллатларга ҳам баракасини берсин. Лекин ягона туркий тил бўлакланди, ҳар бўлаги ўзича иҳоталаниб олди. Бир-бирини балодай тушунган эллар бугун қон-қардоши тилини луғатсиз англаши мушкул. Майли, ҳар бири ўз давлатида униб-ўссин, тараққий топсин, лекин умумтуркий тил бирлигини йўқотмасинлар. Бу тил Туркистондай улкан ҳудудда умргузаронлик қилаётган миллатлар тафаккури ривожининг гаровидир. Бу тил бирлигига раҳна солиш бугунги кунда ҳар бир туркий миллатнинг ўзини ичдан парчалашга ҳам олиб келади. Ўтмиш тарихларда бу неча бор қайтарилган, ялакатмағиз катта улуслар парчаланган.

Умумтуркий дарёнинг ариқларга бўлаклаб ташлангани етмагандай, чиғатой тилини адабий тилга айлантиришда лексик бой имкониятлар яна ҳам торайтирилган, бугунги ўзбек адабий тилига асос қилиб қарлуқ-чигил шеваларигина олинган. Масалан, жуда улкан ареал-қипчоқ лаҳжаси шеваларининг аксари бойликлари адабий тилга киритилмагани бизни қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой тиллари… умуман Россиянинг марказий, жанубий, шимолий ҳудудлари, Олтой ўлкалари, Мўғулистон, Хитой ҳудудларида яшаётган туркий халқ, эл-элатлардан орамизни узоқ қилиб, лексикамизни ҳам торайтириб қўйган, бинобарин тилимизнинг ифода имкониятлари чекланиб қолган. Жаҳоннинг етакчи тиллари қаторига чиқа олмаслигимиз сабабларини ҳам шу ердан излаш керак. Бу менинг эмас, тилчи мутахассислар фикри ва бу ҳақиқат. Айни пайтда лексикографиямизга ўғуз шевалари бойликларидан жуда оз киритилгани учун, мана, бугунги кунга келиб усмонли турк ва туркман тилларини гаплашганда англашимиз қийин, ўқишда эса луғатга муҳтожмиз. Бу “илмий” тадбирлар оқибатида адабий тилимизнинг сўз бойликлари камбағаллашиб, ифода имкониятлари яроқсиз аҳволга тушиб боряпти. Гап тилимизнинг чиндан-да бугунги замон талабларига жавоб бера олиши ё бера олмаслиги борасида кетаётир.

Тескари иш қиляпмизми дейман. Тепада мен келтирган мисол майда, аммо катта ҳам майдадан каттаради. Ҳозир биз ОАВ, ТВ-радио тилини ҳар биримиз ўз маҳалламиз, ўз туман-вилоятимиз шеваларига тортқиласак, бу майдаликлар ёриғи эртага бориб жарликка айланади. Алалоқибат ўзбек миллатининг ҳам бир бутунлигига таҳдид солади. Бу ваҳима гап ё муболаға эмас, энди урчиб ўсаётган хавф. Наҳотки бўрини кўриб туриб ўзимизни асрамасак, узоқ ва яқин ўтмишдаги бўлинишлар сабоқ бўлмаса!

Соҳибқирон бобомизнинг: “Бизким, мулки Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва улуғи туркнинг бош бўғинимиз” деган гапларини айтиб фахр қиламиз-у, бу ўгит-васиятни танимизга олмаймиз.

Туркий чиғатой, яъни ҳозирги ўзбек тилимиз ўтмишда барча туркий эл ва элатларга тушунарли бир ўзак тил эди. Турк Юнус Эмро, туркман Махтумқули, озар Фузулий, қозоқ Абай, қорақалпоқ Бердақ битта тил дарёсидан баҳра олган ва бугун уларни ўгириш ҳам унча шарт эмас. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас”, “Ўғузнома”, “Қўркут ота” бир тил заминида яратилган. Бу тилнинг бош бўғини – шу, она тилимиздир. Уни асраб-авайлаш, унинг шева-лаҳжаларининг тозаю булоқларидан яна сув олиш, фақат ўзимиз учунгина эмас, қардош тиллар ривожи учун ҳам ниҳоятда керак. Тилда олди-берди ўзимиз учун ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Негаки тилимизнинг оҳори тўкиляпти, таққирланиб бораётир. Гулу чаманзор бўлиши лозим замин сувсиз биёбонга айланаётир. Гап фақатгина чет истилоҳлар истилосида ҳам эмас, тилимиз ичдан ҳам емириляпти: “Мен ёлғиз қолишни хоҳлайман” – нима дегани бу, эри ўлиб, бева қолишни истаяптими ёки ёнимдан кетинг, демоқчими? Қайси тилда бу? “Мени ўз ҳолимга (тинчимга) қўйинг” деса бўлар эди-ку! Йўқ, шунақа бесўнақай гап қулоғимизга ҳар куни қайта-қайта қуйилади, шундай гапиришни одатга айлантиради. “Айиқларнинг билиш қобилиятлари жуда ривожланган”, “Юзлаб шундай иплар осилиб туришади” (Ғорда тепадан силқиб тушадиган олтингугурт кислотаси ҳақида), “Барнео қурбақалари мана шундай имо-ишоралардан фойдаланишади”, “Улар истаганча яшашимга имкон беришади” (баланд биноларга тирмашиб чиқадиган анув одам ўз оиласи ҳақида) “Ҳозир кайфиятингни кўтаришга ҳаракат қилиб кўраман”, “Қайнатилган қозондаги сув бунчалик буғланмайди”, “…дастлабки мағлубиятни қабул қилиб олган”, “Анча паст туриш ҳолатига эга” (боксчи ҳақида), “Табиатга нооқилона муносабатда бўлиш…”, мен бу ўламса бирикмаларни эътиборингизни тортиш учун мисол қиляпман. Бўлмаса ўзингиз ҳам ҳар куни мудом эшитасиз. Нафақат ортиқча, сунъий сўзлар, балки жумланинг таркиби, лексикаси ҳам бузуқ. Шу бузуқлик урфга, қоидага айланиб, тилимизни чок-чокидан сўкиб юбораётир.

Бир эътибор беринг: “Янги йил муборак!” Ҳамма ерда шундай ёзадиган бўлдик. “Бўлсин”ни қўшмаганимиз боис жумла маъноси силжиб, йил бизга эмас, ўзига муборак бўлиб қоляпти. Худди гапиришга арзимайдигандек туюлади бу ҳам. Лекин шундай ёзиш ва ўқиш одатга айланиб бораётгани одамни сескантиради. Бир синглимиз чиқишини ҳеч ким ёлғиз, саломсиз: “Омонмисиз, азизим?”, деб бошлайди. Салом қани? Нима, биз экранга қараб ўтирганлар ур-тўполон муштлашувдан чиқдикми, омонлигимизни сўрайди? “Мен сизлар билан хайрлашаман” – гўё бизга қараб ўн киши гапираётган эди, шулардан биттаси биздан аразлаб қолди! Нимага хайрлашади, юз кўрмас бўлиб кетгулик қилганимиз йўқ-ку? “Хайр” билан “хайрлашаман”нинг фарқига бормаса, “Кўришгунча, омон бўлинг”” деб қўя қолсин – шу кифоя-ку!

Демоқчиманки, ўз тилимиздаги сўз, ибора, бирикмаларнинг маънисига бормаслик кўникма бўляпти ва бу, айланиб келиб ёшларнинг тилини бузяпти. Катталар эса эътиборсиз.

Ўн йиллардан ошиб кетди, русча “доброе утро”, “добрый день”, “доброй ночи”, усмонли туркчадан “ийи сабаҳлар”, “ийи гунлар”, “ийи гежалер”, “ийи акшамлар”, “ийи уйкулар”, (“ийи” — эзгу, эзгулик; туркчада тилак билдиришнинг “хайрли…” муқобили ҳам кенг қўлланади) ёзма тилимиздан “хайрли тонг”, “хайрли кун”, “хайрли тун” тарзида, хусусан ТВнинг кино ва таржима сериаллари туфайли болалаб, ёзма тилимиздан жой олиб бўлди. Усмонли туркий бизга тушунарли, чунки туби бир тил. Лекин сўз қўллашдаги тафовутларни бефарқ таржимонларимиз фарқлаб ўтирмайдилар. Энди бу ясамалик оғзаки тилимизга ва ҳатто шеваларга ҳам ўтиб кетаётир.

Чет истилоҳларнинг она тилимизга киришига меъёрида йўл қўйиб бериш билан уларни ўрганишни аралаштирмаслик керак. Лекин масала шундаки, чет истилоҳни, ўз онгингизда айни луғавий маъно ифодаси – миллий сўз бўлмаса, қандай англайсиз, ўрганишда нимага суянасиз, хорижий истилоҳни нимага қиёсан тушунасиз? Англанган онг – тафаккурнинг сийрати, бу сўз. Миллий Сўз чет тилни ўрганишда замин, шу боисдан ҳам она тилимизни қанча теран билсак, чет тилни шунча пухта ўзлаштирамиз. Бу оддий аксиома. Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўлатуриб, болалигидан русча боғчага қатнаб, русча мактабда ўқиб ва, табиийки, кейинги ҳаёти давомида европача ҳаёт (бу ҳам бир гибрид тушунча, таъсири жиҳатидан кўпроқ сарёз русча) муҳитида яшаган одамларнинг тили ҳаминқадар, фикрлаш тарзлари на у, на бу бўлиб қолади. Тил заминидан оёғи узилгандан кейин тафаккур таркиби ҳам ўзгаради, бузилади. Бунга, масалан, бадиий адабиётимиз ҳам бир мисол. Ўзи ўзбек бўлатуриб бошқа тилда ёзган истеъдодларнинг асарлари ўзбек заминида унча илдиз ота олмади, ҳатто уларни таржима қилганда ҳам ташқаридан қараш, бадиий тафаккур бегоналиги аён сезилиб қолади.

Миллий истилоҳларни излаб топиш, янгиларининг қандай илдиз, аффикс, суффикс, префикслардан ясалишини тилчиларимизга қўйиб берайлик, бу иш уларсиз битмайди ҳам. Бизнинг фикрларимиз ундаш, холос. Миллий тилнинг тасарруфда келаётган сўзларидан сўз ясаш, буни билган тилчиларимиз учун тинкани қуритадиган оғир, кенг кўламли, лекин қилиб бўлмайдиган иш эмас. Худди шундай, шеваларимиздан сўзлар олишнинг меҳнати бор, менингча. Яъни улар адабий тилнинг меъёр, қоидалари ва орфография шартларига мослаштириб истеъмолга киритилиши лозим, бу ҳам мутахассислар юмуши. Лексикографиямиз аҳволини қайта қараб чиқиш, уни бойитиш нечоғли долзарб бўлмасин, бу борада ҳам чумчуқни қассоб сўйгани маъқул. Фақат тайсалламаслик лозим.

“Ўқувчи”, “ёзувчи” каби нисбатан “ёш” ўнлаб истилоҳлар илк истеъмолга киритилганда булар ҳам ғалати туюлган бўлса керак: “адиб”, “нависанда”, “талаба”, “толиб” каби ўрганган сўзларимиз турганда буларга на ҳожат, деб. Лекин ҳозир муомалада табиий бўлиб кетди, арабий “адиб”, “талаба”га қараганда кенгроқ кўламда истифода этилади. Шеваларимизда эса адабий тилдан четда қолаётган бошқа муқобиллари ҳам бор: “ёзарман”, “ўқирман”. Негадир, шу “…ман” қўшимчали сўзлар адабий тилда жуда сийрак, бу суффикс имкониятларидан янги сўз ясашда фойдаланмаймиз. Аҳоли тилида эса кенг қўлланади: “Бу сотарман, у оларман бўпти. Бу оларман, қиз тегарман”, мана, “Зомининг тил қомуси”да шунақа “…ман” қўшимчаси билан ясалган, адабий тилга кирмаган йигирмадан ортиқ сўз келтирилади. Яна бир мисол “…гилик”, “…гулик” каби қўшимчалар билан ясаладиган “боргулик”, “кетгулик”, “келгулик”, “ўтгулик” (“ўтгилик”) адабий тилда жуда сийрак, аҳён-аҳёнда, бу ҳам бадиий асарларда қўлланиб қолади.

Истанбул кўчаларида енгил уловлар кўчада қатор териб сотувга қўйилган, ҳаммасининг олд ойнасида “сатилик” деган ёзув. Демак, сотилади, тушунарли, лекин бизга ўхшаб “сотилади” деб китобий эмас, нимадир туб туркий, бизда унинг айнан шундай лўнда муқобили борми-йўқми деб роса ўйлаганман. Яқинда “Қашқадарё халқ сўзлари”-ни варақлаб, айниятини топиб олдим: “сотқилиқ!” Ўзимизнинг сўз! Ёнимизда турган! Халқ бемалол қўллайди. Биз эса русча “продажа”дан олиб, “уй сотилади” (“дом продаётся”), “сотиладиган уй” (“дом на продажу”) деб бирикмани сўлжайтирганмиз. “Балиқлар тозаловчилик вазифасини бажаради” — бу не жумла эканини баҳолашни ўзингиз “амалга оширинг”!

Бунақа ҳолатларда, майли, луғат титкиламайлик, ўзимизга қулоқ солайлик: сўзлашув – жонли авом тилимиз минг кўргуликка дуч келаётган бўлса-да, ҳали ҳам бой, асл сўзларимизнинг маъноси теран, кўлами кенг. Адабий тилнинг ўз замини – авом тили, халқнинг жонли тили ҳисобига бойиб, ривожланиб бориши ҳам қонуният-ку.

Излаш, изланиш керак. Сўз ҳам тирик, тил дарёси оқимида нафас олиб яшайди, таъбир жоиз бўлса, урчийди ҳам. Биз эса ўз сўзларимизни жонсиз қиляпмиз ҳамда уларнинг устига кўп кушанда қўйиб юборяпмиз.

Бугунги кунда гўё соф ўзбекча сўзлардан тузилган бирикмаларнинг сунъийлиги, бир сўз ифода қиладиган тушунчани тўрт-беш сўз билан ифодалашга ўтиб кетаётганимизга ажабланасиз. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” қирқдан ортиқ йўналишда парвозларни амалга оширади”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” истиқбол сари дадил қадам ташламоқда”, “Бундай уйғунлик ҳамма ўсимликлар томонидан амалга оширилавермайди” – сиртдан ўзбекчага ўхшаган мазкур жумлаларни тилчи олимларимиз бир лексема қоидаларига солиб текширсалар, нима бўляпти ўзи деб ташвишга тушиб қоладилар.

Сўзга эътиборсизлик, бефарқликдан у ўлиши ҳам, аниқроғи бошқа сўз унинг ўрнини эгаллаб, ўлдириши ҳам мумкин. Мана, ҳаммамиз “ахлат”ни оғизга оладиган ва бундан ҳазар қилмайдиган бўлиб кетдик: “Ахлат ташлама! Ахлат мошин келди. Ахлат челакни олиб тушаман”. Миллий ахлоқу одобимиз тагида покизалик ётади. Ахлат эса – бу нажосат. Маъносини билган одам шу сўзни ёзишга ҳам ийманади. Ахир, уйимиздан чиққан сабзавоту мева пўчоғи, овқат сарқити, супуриндини шундай деяпмиз! Фариштали келинлардан тортиб, нуроний, тақволи буваларгача. Жонли, авом тилида ҳам, ОАВ ёзма нутқида ҳам беэътибор “ахлат” деб қўллайверамиз. Ҳолбуки, тилимизда асл маъносини берадиган “чиқит”, “чиқинди” каби беш-олтита истилоҳ беэга ётибди. Аммо буларнинг устидан русча “мусорь”дан кўчирма ўгирилган “ахлат” босиб қолди. Қизиғ-эй, “тезак”, “тезаклади” турганда каптару чумчуқдан каркидону филгача – ҳаммаси “ахлат ташлайдиган ё сочадиган” бўлиб кетди. Дарвоқе, ТВга раҳмат, яқиндан бери ора-сира “чиқит”ни қўллайдиган бўлди.

Она тилимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Тилимиз хароб аҳволга тушиб боряпти, уни қайта жонлантириш учун ҳаялламай иш бошлаш керак.

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Дилшод ШОУМАРОВ, Сирожиддин САЙИИД, Акшагул ТУЛЕГЕНОВА, Нодир ЖУМАЕВ, Шу рат АСЛОНОВ, Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1045 **Адади: 5153** Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:40

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Фаррух ЖАББОРОВ**